



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Ниматов Шерзод Ниматжоноич


Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11408986>

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаклланган ва халқаро экспертлар томонидан ҳам тан олинган, дунёда бетакрор ноёб бўлган “Маҳалла”да давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг доимий ҳамкорлигига асосланган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими афзалликлари ва имкониятлари жуда ҳам юқори эканлигини эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибатнинг, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизларига эгалиги эътироф этилади. Бу аввало, инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бевабечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, беғараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди⁴⁵.

Ўзбекистонда вужудга келган ижтимоий профилактика тизимининг устунлиги, аввало жамиятда умумижтимоий профилактика, хусусан аҳоли ҳаётининг йилдан-йилга яхшиланиб бориши, айниқса фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришлари, меҳнат қилишларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг, қолаверса суд-ҳуқуқ, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва улар билан доимий ҳамкорлик қилувчи фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий профилактика соҳасидаги фаолиятининг маънавий, назарий-методологик, ҳуқуқий ва ташкилий асосларининг муайян даражада шакллантирилганлиги натижасидир¹.

Дарҳақиқат, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари *биринчидан*, ҳамкорликни ташкил этиш ва бошқариш; *иккинчидан*, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мунтазам такомиллаштириб бориш ва замонга мослаштириш; *учинчидан*, ички

¹ Исмаилов И. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими - тинчлик ва осойишталик гарови // “Инсон ва ҳуқуқ” журналі (2015 йил июнь). – Т: Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси нашри. 2(66)-сон, 27-33-б.






ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг аниқ йўналишларини белгилаб бериш билан белгиланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида *биринчидан*, профилактика хизматларининг ташкилий тузилиши, фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари қайта белгилаб берилди, *иккинчидан*, республикамизнинг барча ҳудудларида таянч пунктлари ташкил этилиб, уларда Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари нинг фаолияти йўлга қўйилди, *учинчидан*, ички ишлар идоралари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги такомиллаштирилди, *тўртинчидан*, профилактика хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, улар негизидаги жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди, *бешинчидан*, профилактика хизматларининг моддий-техника базаси ва ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш такомиллаштирилди, *олтинчидан*, ички ишлар идоралари, хусусан профилактика хизматларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими такомиллаштирилди.

Бугунги кунда ҳар бир маҳалла энг олис, чекка қишлоқ ва овулларимизгача халқ билан ишлайдиган унинг дарди ғамига ҳамдard, қувонч ташвишларига шерик ва ҳамнафас бўлишига маънавий жиҳатдан қодир профилактика инспекторлари фаолият кўрсатишига керакли шарт-шароитлар яратилди.

Маҳаллага бунчалик эътибор берилаётганлиги бежиз эмас албатта. Чунки, маҳалла ҳаётимиз мезони, яхши ёмон ҳаракатлар ҳаммаси маҳаллада содир бўлади, яхши инсон ҳам, маҳаллада вояга етади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайди. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя





қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур”².

Бугунги кунда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда “Секторлар” фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда “Секторлар” фаолиятида “Маҳаллабай”, “Оилабай” ва “Фуқаробай” ишлаш тизими жорий этилиб, бу йўналишдаги ишларни манзилли йўналтириш ва самароадорлигини ошириш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” юритилиши жорий этилди. Ушбу дафтарларга асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар, аёллар ва ёшлар киритилиб, уларга моддий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилади. Бундан мақсад, ижтимоий қийналган шахсларни жамиятда ўз ўрнини топишларига кўмаклашишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, жамият аъзоларининг ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлиги, ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг бартараф этилганлик даражаси уларнинг давлат ва ундаги қонун нормалари билан белгиланган қоидаларга бўлган муносабатини ҳам бенгилаб беради. Демак, шахс ўзи яшаб турган жамиятдан қанчалик рози бўлиб яшасагина ундаги қоидаларни ҳурмат қилади ва уларга қатъий риоя қилади. Буни ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Финляндия, Швеция каби давлатларда аҳолининг турмуш даражасининг юқорилиги уларда жиноятларнинг кам содир этилишини таъминлаган³.

Шу боисдан, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкил этиш жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- содир этилган ҳуқуқбузарликлар турлари ва уларнинг динамикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, жумладан жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва бошқалар;
- жамият аъзоларининг ҳуқуқий билим ва маънавиятининг шаклланганлиги, уларнинг қонунларни ҳурмат қилиш ва риоя қилиш даражаси;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишдаги муаммо ва камчиликлар;

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. Халқ сўзи. – 2017. – 15 окт.

³<https://www.unwomen.org/en/what-we-do/ending-violence-against-women/facts-and-figures#notes>.





- ҳамкорликдаги ишларни ташкил этишга тўсқинлик қилувчи омиллар ва бошқалар.

Албатта энг муҳим жиҳат бу ҳуқуқбузарликларни шаклланишига олиб келувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини такомиллаштириш, бунда янги замонавий шакл ва усулларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини ташкил этишнинг мақсади қуйидагилар бўлдиши лозим:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини турли жиноий тажовузлардан ҳар томонлама ишончли ҳимоя қилишни кафолатлаш;

жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш;

қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни мустаҳкамлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонунларга ҳурматини ошириш ва шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига эришиш;

жамиятда жиноят содир этилишига сабаб бўлувчи ёки шароит яратувчи, жиноятчиликни озиқлантирувчи ижтимоий-иқтисодий, маънавий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги салбий омилларни аниқлаш, уларни атрофлича ўрганиш ҳамда бартараф қилиш;

суд-ҳуқуқ тизимида, хусусан, ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бошланган тизимли ишларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш;

жиноятларнинг олдини олишда ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектлар, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамда улар билан жамоатчилик ўртасидаги узлуксиз ҳамкорликни ташкил этиш ва такомиллаштириш ва бошқа⁴.

Ҳуқуқбузарлик жамият ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий-ҳуқуқий ва руҳий ҳодиса бўлиб, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноятчиликка қарши курашишда бош йўналишга айланди.

⁴ Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, И.Ю. Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов.–Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 272 б.





Хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиб, амалиётга босқичма босқич жорий этиб келинмоқда, хусусан:

- хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва имкон берувчи шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш самарадорлигини ошириш;
- хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бирга бошқа давлат органлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ҳамкорлигини узвий таъминлаш;
- хуқуқбузарликлар профилактикасини манзилли йўналтириш;
- хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услубларини бутунлай янгича ёндошувга ўтказиш, хусусан, уларнинг фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қўламда қўлланилишини таъминлаш;
- хуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш ҳамда ишонтириш усулларининг устуворлигини таъминлаш;
- ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходим томонидан **«Халқ манфаатларига хизмат қилиш»**ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш;
- вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш;
- ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлаш.

Ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этишга бир қатор омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда. Улар қуйидагилар:

- профилактика хизмати кўпгина ходимларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик





билан ҳамкорликни ташкил этишда зарур бўлган раҳбар-лик, ташкилотчилик, кенг фикрлилик, ташаббускорлик, киришимли-лик, касбий ҳамда педагогик қобилият ва кўникмалар етарли даражада эмас;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига жалб этилган хизматлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, аниқроғи, маҳалла фуқаролар йиғини ва уларнинг тузилмалари фаолиятининг етарли даражада ташкил этмаслиги, шунингдек, айрим ҳолларда уларнинг ўз вазифаларини виждонан бажармасдан балки расмиятчилик қилиб, юзаки қарашлари, ҳамкорликда амалга оширилиши зарур тадбирларда фаол иштирок этмасликлари ёки эгаллаб турган жамоатчилик лавозимларидан ўз манфаатларида фойдаланишига йўл қўйилаётганлиги;

- профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институт-лари билан узлуксиз ҳамда самарали ҳамкорлиги учун зарурий техника, алоқа воситалари ва бошқа жиҳозлар билан замон талаблари даражасида таъминланмагани⁵.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг имкониятларини кенглигини инobatга олиб, ушбу ҳамкорликни ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг кўп йўналишларида амалга ошириш мумкин.

Умуман ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини қуйидаги асосий йўналишларга бўлиш мумкин:


- шахс, жамият ва давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан ҳимоя қилиш;

- жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, улар ҳақида ўзаро ахбортлар алмашиш;

- маъмурий ҳудудда кенг кўламдаги назорат ишларини амалга ошириш, ўз навбатида “ўз уйингни ўзинг асра” деган сўзга амал қилган ҳолда фуқаролардан кўнгиллилари билан биргаликдаги ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

- маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш;

⁵ Сайтқулов Қ.А. Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / Юридик фанлар доктори, проф. И. Исмаиловнинг таҳририда. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 123 б.





- маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- маъмурий ҳудудда паспорт-виза ва назорат-лицензиялаш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш жараёнида ахборотлар алмашиш;

- фаолияти тақиқланган ташкилотлар, диний-экстремистик гуруҳлар ва шу каби фаолиятга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш юзасидан ўзаро ахборотлар алмашиш;

- маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш чораларини кўришда ахборотлар алмашиш;

- жиноят содир этиб суд ва тергов органларидан яшириниб юрган, бедарак йўқолган шахслар, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасида жазодан бўйин товлаб юрган маҳкумларни қидириб топиш, шахси ноаниқ мурдаларни шахсини аниқлашда ахборотлар алмашиш;

озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан профилактик-назорат ишларини амалга оширишда ахборотлар алмашиш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳамкорликни таъминлаш;

- ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш ишларида иштирок этиш;

- фавқулодда ҳодисалар оқибатларини бартараф этишда иштирок этиш.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини ташкил этишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу Конституция ва қонунларга асосланиши, улар билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ташки этилиши билан белгиланади. Бу борада Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари зиммасига асосий вазифалар юклатилган. Чунки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари маъмурий ҳудудда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаронинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг дарди ва ғамини билиши ва уларга зарур ёрдамларни кўрсатиши ва ўз навбатида уларнинг ишончига киришлари лозим. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари қачонки фуқароларнинг ишончига кирса улар билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳамкорликни





ташқил этиб, уни самарадорлигини ошириш мумкин. Албатта маъмурий ҳудудда истиқомат қилувчи фуқарларнинг ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларига бўлган ишончи улар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустахкамлайди.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари жамоатчилик билан ҳамкорликдаги ишларни ташқил этишда биринчи навбатда уларнинг мурожаатларини чуқур таҳлил этишлари, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашларида, ҳуқуқларига эга бўлишларида яқиндан ёрдам беришлари лозим. Шу билан бирга маъмурий ҳудудда жамоат ишларини ташқил этишда ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг фаол иштирок этишларини ташқил этишлари талаб этилади. Булар эса ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларидан ташаббускорлик, қонунларни билиш ва унга ўзлари амал қилиш, фуқароларнинг қувончи, дарди ва ғимига шерик бўлиш каби талабларни қўяди.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари жамоатчилик билан ҳамкорликни ташқил этишда энг асосий талаби, у ҳамкорлик қилиши лозим бўлган ватани ва маҳалласини ҳимоя қилишга бел боғлаган фуқаролар билан алоҳида режали ишларни ташқил этиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Шундай экан ўз навбатида фуқаролар ҳам давлатнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашда ўзига хос мажбуриятларга эга бўлиб, бу борада улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Муқаддима”сида бундан кейин “ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниш” ва “инсопарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш”⁶ уқтирилган. Бинобарин, мукамал давлат ва жамият, яъни ҳуқуқий давлат

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – Б. 3.






ва фозил жамият барпо этишнинг асослари ўтмиш манбаларида ҳам етарлича баён қилинган.

Халқимизнинг жамиятни янгилаш, модернизация қилиш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида эришган барча ютуқлари Конституциямизда белгилаб қўйилган қатор ҳуқуқий асосларга боғлиқлиги ҳар бир фуқарода келажакка умид билан қараш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти томон босиб ўтаётган йўлимизга тўла ишонч ҳиссини шакллантиради. Айниқса Конституциянинг 53-моддаси жамият ва шахс манфаатларининг ўзаро муштараклигини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамиятимизда ижтимоий-сиёсий плюрализмни, демократияни ривожлантириш кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилган. Унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиши, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги ўз ифодасини топган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Забелов. С.М. Взаимодействие органв внутренних дел с трудовым коллективами и общественностью в охране общественного порядка и профилактики правонарушений-Минск.1997-С-7.
2. Кричёк .Е.В. Организациооного-правовой механизм обеспечения конституционных прав и свобод человека и гражданина в условиях взаимодействия полиции и институтов гражданского общество в Российской Федерации Дис. Д-ра юрид наук-МАкадемия управления Министерство внутренних дел Российской Федерации-2014. С-403.
3. Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 636 б.
4. Тошев Б. Нодавлат ноижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2002. – № 4. – Б. 54–56.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3528-сон Қарори.
6. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси





самарадорлигининг асосий омилидир // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.11.2017).

